

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№ МО-3-75
2014 йил



Узбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2014 йил "14" айнунда
сонали бўйруғи билан
тасдиқланган.

“Нефт ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайти тайёрлаши ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва
ўрта маҳсус, касб ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий
бирлашмалар фабриканини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2017 йил 18 афузот даги 4 -сонли баённомаси билан
маъкулланган*

Тузувчилар:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида
жамият ривожи на таълим-тарбия масалалари” модули:
с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қаххарова.

“Таълим тарбии жирийларини ташкил этнининг
концепцияни нормалари” модули: ю.ф.и., доц. В.Топилдиев,
ю.ф.и., доц. О.Х.Ниртулдинев.

“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик
компетентлиги” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.и.
М.Т.Мирсодиев, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулова.

“Электрон педагогика исеслари ва педагогининг шахсий,
қисбий ихборот майдонини лойихалани” модули: ф.-м.ф.и.,
доц. Х.Холмедов, катта ўқитувчилар В.Ҳамидов, М.Файзиева,
ўқитувчилар Т.Шаймарданов, А.Обидов.

“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар.
У.Гиясова, Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия
Кенгашининг етакчи мутахассислари.

“Олий таълим жараёнини бошкарнида тизимили таҳлил ва
карорлар кабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д.,
проф. Р.Самаров, п.с.ф.и. Х.М.Алимов, ф.-м.ф.и., доц.
А.З.Каримов

Махсус файлар бўйича: Хорижий эксперт Margarete Schmidt
(Германия)

Ишчи гурӯҳ: т.ф.д. А.А.Зокироев, т.ф.д. проф. У.А.Зиёмухамедова,
т.ф.д., проф. А.Х.Ағзимов, т.фи.и. доц. М.Қ.Назарбеков, т.ф.и.
доц..Ш.Акрамов, доц. О.Туроинкулон, катта ўқитувчилар
Г.А.Джаналиева, М.Кадирон.

Такризчи:

Хорижий эксперт: Като Такаши (Kato Takashi) Япония

Ўқув дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашининг қарори
билан тасдиққа тавсия қилинти (2017 йил _____ даги - сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги ПФ4732-сон 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тұғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиккан холда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришини мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукукий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида бериладиган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиккан холда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик хужжатлари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик махорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Соҳа фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Соҳидаги ахборот-коммуникация технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли тиҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тиҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Техникада тизимли тиҳлил асослари.

VI. Міхеус фвиллар

- 6.1. Қитламларининг углеводород бердалишлигини ошириш технологиялари.
- 6.2. Турли шароитларда нефть ва газни қазиб чиқариш.
- 6.3. Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнинма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўкув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик міҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига кўйидагилар киради:

- “Нефт ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Нефт ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш” йўналишида ўкув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига кўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хукукий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Техникида тизимли таҳлил асослари”, “Тизимли таҳлил ва карор қабул килиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига кўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар кўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- нефть берга олишликни оширишнинг замонавий усусларини;
- газ берга олишликни оширишнинг замонавий усусларини;
- кимёвий ва механик технологияларни;
- Ўзбекистон Республикасида нефть-газни қайта ишлаш саноатининг ривожланиш тенденцияларини;
- материаллар ва энергия кўп талаб қилинадиган жараёнларни;
- диффузия ва кинетик соҳаларда борадиган жараёнларни;
- кимёвий реакторларнинг туркумларини;
- кимёвий технологияларининг асосий тушунчалари ва таърифларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- катлам босимини саклаш мақсадида сув хайдашнинг назарий асослаш;
- уюмда сунъий равишда озод газ жараёнини ҳосил қилиш;
- нефть ва газ конларини ишга туширишда замонавий техника ва технологияларни қўллаш;
- кудукларни жойлаштиришни назарий асослаш;
- агрегатларни йириклиаштириш ва улар ишларини интенсивлаштириш;
- жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш;
- даврий жараёнларни узлуксиз жараёнларга алмаштириш;
- технологик ва мувозанат жараёнларини баҳолаш;
- хом-ашё ва энергия бўйича сарфланиш коэффициентини аниклаш бўйича **кўнижмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- нефть ва газ соҳасидаги янги инновацион технологияларни таълим жараённига татбиқ этиш;
- турли геологик шароитларда конни ишлатиш самарадорлигини ошириш усулларидан фойдаланиш;
- геологик ва технологик кўрсаткичларнинг нефть бера олишликка таъсирини баҳолаш;
- нефть ва газни қазиб олишнинг геологик ва технологик шароитларини таҳлил қилиш;
- диффузия ва кинетик соҳаларда борадиган жараёнларни аниклаш;
- чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологиясини яратиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- Ўзбекистоннинг нефть ва газ конларида катламларнинг углеводород бера олишигини ошириш технологияларидан фойдаланиш;
- нефть ва газнинг пайдо бўлиши ҳакидаги органик ва ноорганик назариялар ҳамда ҳозирги замон соҳа тажрибасига эга бўлиш;
- нефть ва газ конларини ишга тушириш, улардан маҳсулот олишни ошириш бўйича ривожланган хорижий давлатларда эришилган ютукларни саноат миёсида татбиқ этиш;
- нефть ва газ қазиб олишнинг замонавий ускуналарини танлаб олишнинг умумий принципларидан фойдаланиш;
- агрегатларни йириклиаштириш ва улар ишларини интенсивлаштиришнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш;
- жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлик ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

**“Нефт ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш”
йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув
модуллари ва уларнинг мазмуни**

I. Олий таълимнинг норматив-хукукий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия.

Мустакил демократик тараққиёт ва жамият ривожи. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини химоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танкидий таххил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.

Норматив-хукукий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хукукий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллый дастури. Кадрлар тайёрлаш миллый дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2

февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги Үзбекистон Республикаси Қонунининг коидаларини амалға ошириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндарғи “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 наябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 2015 йил 12 июндарғи ПФ-4732-сон Фармонига ўзgartириш ва құшымча киритиш тұғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бүйіча Ҳаракатлар стратегиясы тұғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ұкув юртидан кейингі таълим тизимини янада такомиллаштириш тұғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқыш ва жорий этиш тұғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ұкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тұғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тұғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тұғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тұғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзgartириш ва құшымчалар киритиш ҳақида” ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартағи “Магистратура тұғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан үтказиш тартиби тұғрисидаги низомга ўзgartириш ва құшымчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ұкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга күйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг

тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий хужжатлар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгариши ва қўшимчалар киритиш хақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 марта «Янги ўкув услубий мажмууларни тайёрлаш бўйича услубий қўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 марта «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида”ги 123 -сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларининг кечиш босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларининг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълим мини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модули-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўкув-тарбия жараённида фойдаланиш. Ўкув лойихаларини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбик этиш.

Педагог қасбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагог психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптималь бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал

этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий тақомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурый шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

2.2. Соҳа фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар.

Соҳа фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар. Илғор хорижий давлатларда қабул қилинган таълим тизимини ўзига хос хусусиятлари. Мазкур таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан қиёсий таҳлили.

Соҳа фанларини ўқитишида талабаларни назарий билимларини тузулмасини ва базасини шакллантириш. Назарий билимларини таркиби ва мазмунини амалиётга мос келтириш.

Меҳнат бозорида юқори даражада рақобатбордош бўлиш учун психологик кўникмалар.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўкув-методик материалларини яратиш усувлари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўкув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари характеристикиси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойихалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўкув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни химоялашнинг замонавий восита ва усувлари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

3.2. Соҳадаги ахборот-коммуникация технологиялари.

Соҳада кўулланиладиган ахборот-коммуникация технологияларининг ўзига хос имкониятлари. 3D технологиялар ва уларнинг хусусиятлари. Соҳа бўйича масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Соҳада муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Соҳада масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил килиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Соҳада эркин ва очик кодли дастурний таъминотлар таҳлили.

Соҳа бўйича курс лойиха ишларини бажаришда кўулланиладиган CAD/CAM/CAE, AutoCAD (КОМПАС), Pro/ENGINEER, CATIA, SolidWorks дастурлар.

Соҳада MathCAD, Matlab/Simulink, SCADA, GAUSS, SimPowerSystem дастурлардан фойдаланиш.

Соҳада Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва яқуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Соҳадаги оммавий онлайн очик курслар (Coursera, edX, Khan Academy, Udemy, UDACITY).

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффакиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулокот мухити, мулокот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошк. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганишчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халклар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳакида чет тилида гапира олиш).

Мулокот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳакида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва хоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиши, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор варианatlарини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертила ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

5.2. Техникада тизимли таҳлил асослари

Техникада тизимли таҳлил ва унинг таснифи. Техникада тизим турлари. Техникада тадқиқотлар натижасининг тизимли таҳлили. Олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишда тизимли ёндашув. Билиш жараёнларнинг ички тизимлилиги. Техникада тизимли таҳлилнинг усул ва моделлари. Моделдаги элементларни нисбий ҳақиқий билиш даражаси. Техникада тизимларни моделлаштириш натижаларини статистик ишлов бериш хусусиятлари. Техникада математик дастурлаш масалалари ва уларни ечиш усуллари. Техникада чизикли дастурлаш масалалари ва уларни ечиш йўллари. Техникада статистик ноаниклиқдаги танлов қонуниятларини таҳлил қилиш. Техникада ечимлар қабул қилишда эксперт усуллари ва прогноз элементлари. Табиий ва сунъий тизимлар, уларни умумлаштириш асослари.

I. Махсус фанлар

6.1. Қатламларнинг углеводород бераолишлигини ошириш технологиялари.

Қатлам углеводород бера олишлигини бошқаришнинг назарий асослари. Қатлам босимини сақлаш максадида бажарилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари. Сув ҳайдаш технологияси. Қудуқларни жойлаштириш тизими. Үюмни жараён билан қамраб олиш. Ҳайдалаётган сув сифатига қўйиладиган талаблар. Газнефтли үюмларда майдон бўйлаб ва тўсикли тарзда сув ҳайдашнинг назарий асослари. Сув ҳайдаш жараёни бўйича

хайдаладиган сув микдори, кудуклар сони ва ҳайдаш босимини хисоблаш. Қатламларга тебранма тўлкинли усулда таъсир этиш қонуниятлари. Кон геологик маълумотларига асосан уюмнинг моделини тузиш. Гидродинамик усулларни қўллаш тажрибаси. Сирт-фаол моддалари эритмалари билан нефтни сикиб чиқариш коэффициентини хисоблаш. Қатламга иссик-кимёвий усуллар билан таъсир этишининг илмий асослари. Қатлам энергиясидан унумли фойдаланиш. Нефть ва газ эгаллаган майдонда қудуклар ва бошка технологик обьектларни рационал жойлаштириш ва конларни ишлатиш тизимини оптималлаштириш. Ноанъавий углеводрод конларини, яъни ёнувчи сланецлар, битумли нефтлар, газгидрат конларини ишлаш усуллари.

6.2. Турли шароитларда нефть ва газни қазиб чиқариш.

Қолдик нефть захираларини қазиб олишнинг назарий асослари. Қолдик нефть захиралари хариталарини моделлаштириш асосида тузиш усуллари. Қатламлардан суюклик олишни жадаллаштиришнинг илмий асослари. Катта чукурликдаги нефть ва газ уюмларини самарали ишлатиш муаммолари. Катта чукурликдаги терриген жинслар билан боғлик нефть ва газ уюмларини ишлаш самарадорлигини ошириш усулларини илмий асослаш. Катта чукурликдаги карбонатли жинслар билан боғлик нефть ва газ уюмларини ишлатиш самарадорлигини ошириш усуллари. Нефть бера олишликни оширишнинг янги усуллари самарадорлигини баҳолаш. Турли геологик шароитлардаги нефть ва газ уюмларини оқилона ишлатиш тизимини танлаш. Геологик ва технологик кўрсаткичларни нефть бера олишлик коэффициентига таъсирини ўрганишда статистик хисоблаш усулларидан фойдаланиш.

6.3. Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси.

Бирламчи нефть ва газни қайта ишлашга тайёрлаш. Нефтни қайта ишлаш. Газ компонентларидан фойдаланиш. Изобутанни бутилен билан алкиллаш. Сув-нефтли дисперс системалар ва уларнинг хоссалари.

Сув – нефть эмульсияларини парчалаш усуллари. Электротермокимёвий усул. Нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш технологияси. Риформинг иссиклик эффектлари ва кинетикаси. Реакциялар термодинамикаси, кинетикаси ва механизми. Газ суюклик аралашмасини сепарациялашнинг физик асослари. Нефт ва табий газнинг таркиби. Юқори ковушқоқ нефтларни қайта ишлашга тайёрлашнинг ўзига ҳос томонлари. Табиий газни тозалаш. Газларни олтингугуртли бирикмалардан тозалаш жараёнларини ютувчиларини ва технологик схемаларни танлаб олиш. Табиий газни тозалашнинг янгича усуллари.

Мамлакатимиз нефть ва газ саноатининг ривожланиш тенденцияси. Агрегатларни иириклаштириш ва уларнинг ишларини интенсивлаштириш. Жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш. Даврий жараёнларни узлуксиз жараёнларга алмаштириш. Технологик ва мувозанат жараёнларини

баҳолаш мезонлари. Ҳом ашё ва энергия бўйича сарфланиш коэффициенти. Маҳсулотнинг сифати ва таннахии. Технологик жараёнлар ва чизмаларнинг хиллари.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама килиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўкув лойихалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўкув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (loyixa ishi) ни тайёрлайди.

Битирув иши (loyixa ishi) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўкув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўкув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий кисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъзуза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўкув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиши;

- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўкув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.– 176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъruzаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 1026.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли карори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли карори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
2. Ишмухamedов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.
3. Karimova V.A, Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyatni nashriyoti”, 2014.–192 b.
4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.- 336с.

6. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф. В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.
8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004
9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.: ил.
10. Сурмин Ю.П.Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.– Киев:” “МАУП”, 2003.– 242с.
11. G’ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.– Т.:, Fan, 2010.–686с.
12. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.
13. Twyman RM (2004). Principles of Proteomics (Advanced Text Series). Oxford, UK: BIOS Scientific Publishers. ISBN 1-85996-273-4.
14. W. Dubitzky, M. Granzow, D/ Berrar/Fundamentals of data mining in genomics and proteomics. New York, USA, 2007, ph -275.
15. Нефть казиб олиш бўйича маълумотнома. Акрамов Б.Ш., Умедов Ш.Х. - Тошкент: Фан ва технологиялар, 2010.
16. Нефть конларини ишлаш ва лойихалаштириш. Агзамов А.Х. ТДТУ, 2005.
17. Neft va gaz olishning texnologiyasi va texnikasi. Maxmudov N.N., Yuldashev T.R. “Iqtisod-moliya”. Toshkent, 2015.
18. Neft va gaz konlari mashina va mexanizmlari. T.R. Yuldashev, X. Eshkabilov. Qarshi, 2015.
19. У.А.Зиямхамедова, Б.А.Абидов. Теоретические основы переработки нефть и газа. Учебное пособие. Ташкент: ТГТУ. 2013. -159 с.
20. У.А.Зиямхамедова. Теоретические основы переработки нефть и газа. Методические указания для проведения лабораторных работ, Ташкент: ТГТУ, 2013. -36с.
21. Oil and gas exploration and production. BP energy education programme, 2008.
22. Havard Devold. Oil and gas production handbook. An introduction to oil and gas production. – USA: ABB ATPA oil and gas, 2006. – 84 p.
23. I need to know. An introduction to the oil industry and OPEC. Organization of the petroleum exporting countries, 2013. – 68 p.
24. «The Chemistry and Technology of Petroleum»,Fifth Edition (Химия и технология нефти, 5-я издание) (2014) Author: James G. Speight

25. Hydroprocessing of Heavy Oils and Residua (Гидроочистка тяжелых нефей и остаточных продуктов) (2007) Authors: Jorge Ancheyta, James G. Speight
26. Petroleum Refining Processes (Процессы переработки нефти) (2001) Authors: James G. Speight, Baki Ozum
27. The Refinery of the Future (Нефтеперерабатывающий завод будущего)(2010) Author: James G. Speight
28. Fundamentals of Industrial Catalytic Processes(Основы промышленных катализитических процессов)(2011) Author: John Wiley & Sons
29. Industrial Catalysis: A Practical Approach (Промышленный Катализ: практический подход)(2006) Author:Jens Hagen
30. Petroleum and Gas Field Processing (Переработки Нефти и газа) (2003) Authors:H.K. Abdel-Aal, Mohamed Aggour, M.A. Fahim
31. Petroleum and Gas Field Processing, Second Edition (Переработки Нефти и газа, 2-ое издание) (2015) Authors: Hussein K. Abdel-Aal, Mohamed A. Aggour, Mohamed A. Fahim
32. Fundamentals of Natural Gas Processing (Основы переработки природного газа) (2011) Authors:Arthur J. Kidnay, William R. Parrish, Daniel G. McCartney
33. Industrial Organic Chemistry(Промышленная органическая химия)(2008) Authors:Klaus Weissermel, Hans-Jürgen Arpe

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Узбекистон Республикаси Алока, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.aci.uz.
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
4. ЎзРес.ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
5. www.Ziyonet.uz
6. www.sciencedirect.com
7. www.acs.org
8. www.nature.com
9. www.sciencemag.com
- 10 www.wikipedia.org
11. www.wiley.com/college/callister

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни мақкия этиш
Бош илмий-методична маркази

Директор У.И.Бегимқулов

“ ” 2017 й.

М.ў.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Янги дастурлар ва ўкув
адабиётларнинг жорий килинишини
назорат килиш Бош
бошқармаси
Бошқарма
бошлигини О.И.Исмоилов

“ ” 2017 й.

М.ў.

Тошкент давлат техника университети

Ректор С.М.Турабджанов

“ ” 2017 й.

М.ў.

Тошкент давлат техника университети
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Директор Н.А.Абдулжабаров

“ ” 2017 й.

М.ў.